

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида Корея Республикасининг Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) президенти Мин Хён Ки раҳбарлигидаги делегация аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди.



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 20 апрел, шанба №64 (1281)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒНАБ КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

(ЎЗА)

**Банк капиталини қўпайтириш, унинг молиявий ҳолати ва кредит портфелининг сифатини яхшилашда аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунга ўз вақтида тушунган «Пахта Банк»нинг Навоий вилоят бошқармаси раҳбарияти ва мутахассислари ўтган йили ушбу соҳага катта эътибор бердилар.**

## Бир Фармон шарофати

га оширилди. Жумладан, Бандлик жамғармасидан 98 та лойиҳага 140 миллион 640 минг сўм, Биз-

миллий валютани мустаҳкамлаш ва барқарорлаштириш, нақд пул эмиссиясини қисқартириш борасида бирмунча ишлар қилинди. Мисол учун хазина интизоми мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан тасдиқланган режага асосан 416 та ташкилот текширилди. Бунинг натижасида 49 та ҳўжалик субъектида хазина интизоми бузилганлиги аниқланди. Далолатномалар чора кўриш учун назорат органларига юборилиб, айбдорлардан 1 миллион 453 минг сўм жарима ундирилди. Ана шу ва бошқа тадбирларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида бошқарма бўйича касса режаси 114,8 фоизга адо этилди. Эмиссия ҳиссаси белгиланган меъёрдан анча паст бўлишига эришилди.

Банк акцияларини жойлаштириш бўйича ҳам кўплаб ишлар қилинди. Бошқача айтганда шу йилнинг 1 январь ҳолатига сотилган акциялар миқдори 352,6 миллион сўмни ташкил қилади. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,7 миллион сўм кўпдир. Акциядорлар сони анча ошди.

Хуллас, бошқарма бугунги кунда миқозларга малакали хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари талаблари даражасига етказиш учун ҳаракат қилмоқда. У ўз маблағлари манбаини кенгайтириш ҳисобига миқозларга кредит ажратишни янада кўпайтиришга эришди. Бу эса ўз навбатида вилоят иқтисодиётининг ўсишида ва янги янги иш ўринлари яратилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фуллом ЮСУПОВ, «Ишонч» муҳбири.

## АҲОЛИНИНГ БЎШ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ

Навоий вилоятида кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш имкониятини кенгайтирди

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда аҳоли бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш бўйича жойларда тушунтириш ишлари олиб борилди. Маҳаллий газеталар ва телевидениеда реклама қилинди ва қилинмоқда.

Натижа ёмон бўлмади. Шу йил 1 январь ҳолатига 220 миллион 327 минг сўмлик аҳоли бўш пул маблағлари жалб қилиниб, режа 108 фоизга бажарилди. Омонатчилар сони 2000 йилга нисбатан 1571 нафарга ошган. Жами омонатлар суммаси эса 113 миллион 145 минг сўмга кўпайди.

Айни чоғда аҳоли бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш юзасидан ишлар янада фаоллаштирилмоқда. Аҳолининг кенг қатламларига мўлжалланган янги, манфаатли омонат турлари жорий этилмоқда. Оқибатда омонатчи ўз кўйилмаси ҳисобидан мўмайгина даромадга эга бўлмоқда.

Аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилиш биринчи навбатда кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш имкониятини кенгайтирди. Хусусан, ўтган давр ичида тадбиркорларга 675 миллион 871 минг сўмлик кредитлар ажратилди. Шундан 309 миллион 870 минг сўми чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Навоий вилоятида чўл зонаси кўп бўлиб, бу ерларда аҳоли асосан чорвачилик билан шуғулланади. Эндиликда банкнинг юқоридаги қарзлари ҳисобига чорвачилик билан шуғулланувчи фермерларга чорва туёғини янада кўпайтириш имкони яратилди.

Ўтган давр ичида кичик ва ўрта бизнес субъектларига микрокредитлар ажратишга ҳам катта эътибор берилди. Масалан, бултур тадбиркорларнинг 269 нафарига 360 миллион сўмдан ортиқ микрокредитлар берилди. Шундан 173 миллион 860 минг сўми бошқарманинг ўз маблағлари ҳисобидан бўлди. Бюджетдан ташқари маблағлари кичик ва ўрта тадбиркорликни кредитлашга жалб қилиш борасида ҳам муайян ишлар амал-

нес фонддан 31 та лойиҳага 39 миллион 550 минг сўмлик маблағ кредит сифатида йўналтирилди. Бугунги кунда ушбу берилган қарзлар ўз самарасини бериб, тадбиркорлар томонидан 246 миллион 510 минг сўмлик харидорбоп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бошқарма ва унинг барча туман бўлимларида ҳам кўплаб ишлар қилинди. Бошқача айтганда шу йилнинг 1 январь ҳолатига сотилган акциялар миқдори 352,6 миллион сўмни ташкил қилади. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,7 миллион сўм кўпдир. Акциядорлар сони анча ошди.

Хуллас, бошқарма бугунги кунда миқозларга малакали хизмат кўрсатишни жаҳон андозалари талаблари даражасига етказиш учун ҳаракат қилмоқда. У ўз маблағлари манбаини кенгайтириш ҳисобига миқозларга кредит ажратишни янада кўпайтиришга эришди. Бу эса ўз навбатида вилоят иқтисодиётининг ўсишида ва янги янги иш ўринлари яратилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фуллом ЮСУПОВ, «Ишонч» муҳбири.



Қадрдонлар учрашганда

Б.НОРҚУЛОВ олган сурат.

**Яна бир неча кундан сўнг Фарғонада «Умид ниҳоллари-2002» Республика спорт мусобақалари бошланади.**  
**Президент Ислам Каримов ташаббуси билан юртимиз бўйлаб ўтказилаётган бу спорт байрами ёшларни соғлом, ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш, иқтидорли спортчиларни танлаш ва тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, кичик олимпиада макомини олган мазкур мусобақалар ёшларнинг спортдаги имкониятини яққол намойиш этишда хизмат қилади. Беллашувларнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, ғолиблар келажакда юртимиз шарафини халқаро спорт майдонларида муносиб ҳимоя қилади.**

кўрмоқда, - дейди Фарғона Давлат университети «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси Тоҳиржон Шокиров. - Мусобақалар пайти ёш спортчиларнинг кўнгилли хордик чикаришини ташкил этишга, айниқса жиддий эътибор берганмиз. Бунинг учун юз кишидан иборат экскурсиячилар гуруҳини ташкил этдик. Улар спортчи ёшларнинг Фарғона бўйлаб саёҳатларини уюштиради. Бунинг учун 70 та

## ОЙЛИК МАОШ 40 МИНГ СЎМ

Нуротадаги «Каррара-мармар» шўба корхонаси қисқа фурсат ичида вилоятдаги йирик сановат корхоналари қаторидан ташкил этилди. Улар спортчи ёшларнинг Фарғона бўйлаб саёҳатларини уюштиради. Бунинг учун 70 та

## ФАРҒОНА БАЙРАМ КАЙФИЯТИДА

Бугун Фарғона ана шу кутлуг байрам тараддуди билан яшамоқда. Мусобақалар ўтказилаётган Фарғона, Марғилон шахри, Фарғона, Тошлоқ ва Қирғули туманларидаги барча спорт иншоотлари беллашувлар учун тахт қилиб қўйилди.

Термиз шахрининг 2500 йиллик тантаналари муносабати билан амалга оширилди.

автобус ажратиб қўйилган. Фанлар академияси «Физика-Кўёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўёш ўчоғида ёқилган мусобақа маъшаласи вилоятнинг Данғара тумани, Қўқон шахри, Учқўприк, Бувайда, Богдод, Риштон, Олтиариқ туманлари ва Марғилон шахридан ўтиб мусобақа бош майдонига олиб келинади. Маъшала олиб ўтиладиган йўллар ва улар атрофида кенг миқёсда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари ўтказилди. Катта йўл ёқалари, аҳоли гавжум мавзелада ўрнатилган мусобақа рамзлари, турли панно ва безаклар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Вилоят шахар ва қишлоқлари ҳам катта спорт байрами шодийнаси учун тахт қилинган. Вилоятда спорт иншоотларини қуриш, таъмирлаш, ободончилик ишларини амалга ошириш, беллашувларни юқори савияда ўтказиш учун 3 миллиард сўмлик маблағ сарфланди.

### «Умид ниҳоллари 2002»

Асосий мусобақалар ўтказилаётган «Нефтичи» марказий стадиони қисқа фурсатда халқаро андозада эди. «Умид ниҳоллари - 2002» спорт ўйинлари баҳонасида Фарғона ҳам чирой очиб, кўркамлашмоқда. Ҳам болаларимиз хурсанд, ҳам юртимиз обод бўлмоқда.

«Умид ниҳоллари - 2002» спорт ўйинларини вилоятда катта байрам сифатида нишонлаш, мусобақаларни жаҳон андозалари асосида ташкил этиш, бу муҳим тадбирнинг аҳамиятини, моҳиятини нафақат ўқувчи ёшлар, балки бутун аҳоли ўрта-сидда кенг тарғиб этишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Мусобақалар пайтида вилоятда кўплаб маданий, кўнгилочар тадбирлар уюштирилди. Иштирокчилар ҳар бир кунни мароқли ва сермазмун ўтказиши, фарғоналикларнинг ўзига хос урф-одати, анъаналари билан яқиндан танишиши борасида ҳам тадбирлар ишлаб чиқилди.

«Умид ниҳоллари - 2002» спорт ўйинларининг тантанали очилиши ва ёпилиши маросимларида олти минг нафарга яқин ўқувчи болалар ва кўплаб бадий жамоалар иштирок этади.

Р.КАМОЛОВ, ЎЗА муҳбири.

Карши шахрида «Каршиуйқурилиш» акциядорлик жамияти бунёдкорлари томонидан тикланаётган 600 ўқувчиға мўлжалланган академик лицейда 1 миллиард 300 миллион сўмлик иш бажарилди

## ЛИЦЕЙ ҚАД РОСТАМОҚДА

600 ўқувчиға мўлжалланган, ижтимоий фанлар чуқур ўргатиладиган академик лицей биноси қурилишида сўнгги пардозлаш ишлари ниҳосига етказилмоқда. «Каршиуйқурилиш» акциядорлик жамияти қурувчилари махсус лойиҳа асосида бунёд этаётган академик лицейда 300 ўринли ётоқхона, 335 ўринли ошхона, катта ва кичик спорт заллари, теннис корти, компьютер хоналари лицей ўқувчиларига муносиб совға бўлади.

«Каршиуйқурилиш» акциядорлик жамияти бу ерда ҳозиргача 1 миллиард 300 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Қурилишда ёрдамчи пудратчилар билан бирга 480-490 қурувчи икки сменада меҳнат қилмоқда.

Шунингдек, «Буюк ипак йўли» устида бунёд этилган автомобилларга хизмат кўрсатиш мажмуи, яқинда ишга тушган «Ойдин» маҳалла гузари, «Севинч» мажмуи, қайта таъмирланиб, кенгайтирилган ва вилоятнинг жанубий туманларини Қарши билан боғловчи кўприк шашар кўригини янада ояптади.

«Туркистон-пресс»

## МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

**Вазирлар Маҳкамасида Хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг мажлиси бўлди. Унда кенгаш аъзолари ҳамда тегишли вазирлик, қўмита, компания, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур кенгаш раиси К.Тўлаганов бошқарган мажлисда мамлакатимизда инвестиция дадистурлари бажарилишининг биринчи чорак якунлари ҳамда галдаги вазифалар муҳокама этилди.

Иқтисодиёт тармоқларини янада ривожлантириш, корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини оши-

риш ва уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда хорижий сармояларни жалб этиш муҳим ўрин тутди. Ана шу мақсадда иқтисодиётнинг барча соҳаларида йирик капитал маблағларини ўзлаштириш ва инвестиция дастурларини илҳом қилиш учун муҳайё шарт-шароит муҳайё этилган. Шу боис мамлакатимизда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Айни пайтда, айрим

ташкилотларда жорий йилнинг ўтган уч ой мобайнида хорижий сармоялар ҳисобидан маблағ нисбатан кам ўзлаштирилгани кузатилди.

Мажлисда алоқадор, вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларига ишлаб чиқариш тузилмаларига янги технологияларни кенг жорий этиш, қўшма корхоналар ташкил қилиш ва хорижий сармоялардан унумли фойдаланишга эришиш бўйича белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида бажариш юзасидан зарур кўрсатма ва топшириқлар берилди.

(ЎЗА)

## ИЖАРАЧИ «ТИКО»ЛИ БЎЛДИ

Дехқон ўз меҳнати тақдирланганини кўрса иш унуми янада ошади, жамоада меҳнат манфаатдорлиги кўтарилиб, маҳсулот етиштириш кўпайди.

Фарҳод Рўзибоевнинг асл касби механизатор. Мана бир неча йилдирки, У.Юсупов туманидаги «Жейнов» кооператив ширкат ҳўжалигида ижарачилар жамоасини бошқарапти.

Тадбиркорлик, яқдиллик ва интизом, ишлаб чиқаришда илгор тажриба, агротехниканинг қўлланаётганлиги муваффақият келтирмоқда. Ўтган йили 40 гек-

тар майдонда ғўза ўстирган ижарачилар 163 тонналик хирмон кўтардилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 41,8 центнерга тўғри келди.

— Чўл шароитида ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириш мумкин, — дейди Ф.Рўзибоев мамнунини билан. — Бу йил ҳам уруғ бир текис ундириб олинди. Ғўза парварлиши қизгин олиб борилмоқда. Даромадга яраша буромад, дей-

дилар. Иқтисодий ислоҳот самарасидан ҳар бир деҳқон манфаатдор. Ялпи даромад 14 миллион 257 минг сўмни ташкил этди. Шунинг 4 миллион 151 минг сўми соф фойдадир.

Меҳнат унумдорлиги ошиши ва ҳосилнинг кўпайиши яхши турмушнинг таъминламоқда. Ижарачилар қарийб ярим миллион сўм дивидент олишди. Биргина бош сувчи Икром Мирзаев иш ҳақидан таш-

## Меҳнат ва рағбат

сумда «Ўзбекистон» русумли терим агрегати бункеридан 187 тонна пахта тўққан эди.

Яна бир ибратли томони шундаки, жамоада асосий ишлар техника ёрдамида бажарилади.

Мукофот Қарши дашти қийинчиликларини енгиб, самарали меҳнат қилаётган ижарачилар кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди. Улар ҳар қачонгидан мўл ва арзон ҳосил етиштириш, иқтисодиётни кўтариш учун астойдил ишга киришганлар.

И.ИСОМИДИНОВ.

# ИШ БЕРУВЧИ ВА ХОДИМ

## Ўртасида муаммо юзага келса

**Мухбиримизнинг Наманган вилоят касаб уюшмалари Кенгаши раиси К. РАИМЖОНОВ билан 2 чи суҳбат мақолада гап борадиким, улар кунни кеч ўз ишини яқунлаган халқ-аро семинарда ҳам кўпчилик диққатини ўзига тортди.**

— Корхона, хўжаликлардаги жамоатчи вакиллар ҳақида тўхталсангиз.

— Трипартизм тамойиллари асосидаги учинчи томон касаб уюшмалари бўлиб, улар ходимлар, талабалар ва ўқувчи ёшларнинг халқ бўлмаган муаммоларини жамоа келишуви ва шартномалари орқали иш берувчилар олдига қўйиш йўли билан ҳал этишда фаол қатнашади. Мазкур масалалар бўйича касаб уюшма аъзоларига бепул ҳуқуқий, иқтисодий маслаҳатлар беради ҳамда саволларига жавоблар қайтарди, амалий ёрдам кўрсатади.

Касаб уюшмалари ўз аъзолари меҳнатини муҳофаза қилиш, иш жойларида бахтисиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида корхона, муассаса, хўжалик ва ташкилотларда жамоатчи вакиллар сайлайди. Улар барча камчиликларни касаб уюшмалари ва иш берувчига маълум қилиб, уларни ҳал қилиш чора-тадбирларини ўз назоратида олади.

Мамлакатимизда 2002 йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилиниши муносабати билан касаб уюшмаларига катта масъулият юкланди. Қарияларни қадрлаш, улар манфаатларини жамоа шартномалари ва келишувларга киритиш, қонунларда белгиланган имтиёзларни тўлалигида амалга ошириш вазифаларини ижтимоий шерикчилик

тамойиллари асосида адо этишни ўз зиммасига олганмиз. Касаб уюшмалари нафақат ишлаб турган аъзоларини, қарияларни ҳам ўз ҳимоясига олмақда. Кўпчилик корхона ва ташкилотларда қариялар нафақага чиқиб кетган бўлсалар ҳам касаб уюшма ташкилотлари билан ўз алоқаларини узмаган. Улар жамоат ишларида фаол қатнашиб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам аксарият корхона, муассаса ва ташкилотларда байрамлар муносабати билан шу ташкилотдан пенсияга чиққанларни тақриб қилиш ва уларга доимий ғамхўрлик кўрсатиш анъанага айланган бормоқда.

Касаб уюшма ташкилотлари ўз аъзоларининг ижтимоий аҳолини таҳлил қилиб, уларнинг даромадлари савиясини аниқлайди. Бу даромад энг кам иш ҳақидан оз бўлган тақдирда касаб уюшма кўмитаси оилалар даромадларини ошириш чора-тадбирларини қўради. Шунингдек, ходимларнинг иш фаолиятини ўрганиб, билими, қобилиятига қараб, иш вазифасида тўғри шаходатланганлигини, мутахассислик бўйича иш даражасини кўтариш ҳисобига меҳнат ҳақини ошириш, ходимнинг хоҳишига қараб, касбини ўзгартириш, малакаси етишмаса, корхона ҳисобидан иш ҳақи сақланган ҳолда бўш ўринларда ишлаш учун ўқитиш ва малакасини ошириш имкониятларини кўриб чиқади.

Касаб уюшмаларининг

ҳозирги вақтдаги муаммоларидан бири — иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорлик бўлиб, айрим корхоналарда бу ҳолга барҳам берилганича йўқ. Шунинг учун ҳам касаб уюшмалари иш берувчилар олдига расмий талаблар қўйиб, иш ҳақини ундириб бермоқдалар.

— Яхши дам, меҳнатга ҳамдам, деган гап бор. Касаб уюшма аъзолари саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари қандай йўлга қўйилган?

— Касаб уюшмалари ўз аъзоларини санаторий, санаторий-профилакторий ва дам олиш уйларида дам олдириб, соғломлаштириди, касаб уюшма аъзоларининг болалари ёзги дам олишини уюштириди, спорт мактабларида ўқитиб, уларнинг жисмонан чиниқилиши ташкиллаштириди. 2001 йилда вилоятнинг 18152 нафар болалари ёзги дам олиш масканларида бўлдилар. Улар учун спорт тўғрараклари, турли хил томошалар уюштирилди. Касаб уюшмалари ва вилоят ҳокимлигининг тузган тадбирларига асосан дам олиш масканларида бепул тиббий хизмат кўрсатилди.

Ижтимоий меҳнат масалаларини жамоа шартномалари ва тармоқ жамоа келишувлари билан тартибга солиб туриш механизмларини такомиллаштириш натижасида бозор иқтисодиёти шароитларида иш берувчилар билан ёлланма ишчилар ҳамкорлиги ва манфаатларнинг муштариликка қаратилган ижтимоий шерикчиликнинг таъсирчанлигини оширишга эришилди.

Ижтимоий меҳнат муносабатларини йўлга қўйишда тармоқ жамоа келишувлари билан жамоа шартномаларининг ҳамоханлиги яхши самар

ралар бермоқда.

Биргина мисол келтираман. Маълумки, республика ҳукумати томонидан мактаб ўқитувчиларига, тиббиёт ходимларига, электр қуввати, газ, ичимлик суви ва бошқа неъматлардан фойдаланганлиги учун имтиёзлар белгиланган. Улардан ҳамма жойда ҳам тўлиқ фойдаланилганми, деб бўлмайди. Айрим мутасадди ходимлар турли сабабларни рўқча қилиб, имтиёзларни четлаб ўттиришга уринадилар. Натижада ишонч йўқолади, идорама-идора сарсон бўлинади. Бизда эса касаб уюшма раисларини имтиёзлардан фойдаланиш масалаларини ўз назоратида олганлар.

Вилоятда юридик шахс мақомига эга бўлган корхона, ташкилот, муассасалардан 3804 тасида касаб уюшма ташкилотлари тузилган. Уларнинг кўпчилигида жамоа шартномалари амал қилади. Ишловчиларнинг 98,5 фоизи жамоа шартномалари билан қамраб олинган. 2001 йилда жамоа шартномаси орқали иш берувчилар томонидан касаб уюшма аъзоларининг манфаати учун 12 миллиард 561 миллион сўм маблағ сарфланди.

Жамоа келишуви ва шартномаларга иш берувчи ҳамда ходимлар ўртасида пайдо бўладиган низоларни касаб уюшмалари билан иштинрида ҳал этишга эришилмоқда. Барча муаммолар меҳнат низолари комиссияларида кўриб чиқилди ва ҳал қилинди. Эндиликда аксарият меҳнат низолари жойларда бошланғич касаб уюшмалари томонидан ижобий ҳал этилмоқда.

Айрим ҳолларда ижобий натижага эришилмаганда, судларга мурожаат этишга ҳам тўғри келади. 2001 йилда 1,5 минг нафарга яқин касаб уюшма аъзоси ишлайдиган «Наманган-Телеком» ҳиссадорлик жамияти раҳбари ва касаб уюшма кўмитаси ўртасида тузилган жамоа шартномасида ходимларга қишки мавсум учун сазбавот заҳирасини сотиб олиш кўзда тутилган экан. Би

роқ, моддий ёрдам барча ходимларга бирдай берилмаган. Бирлашган касаб уюшмаларнинг иш берувчига жамоа шартномасини бажариш тўғрисидаги талабига қорхонанинг молиявий аҳоли яхши эмаслиги рўқча қилиниб, талаб рад этилади. Вилоят Кенгашининг аралашуви билан низо судга берилди, суд қарори билан эса жамоа шартномасида белгиланган имтиёзнинг адо этилишига эришилди. Шунингдек, Чуст туман марказий шифохонаси ходимларининг жамоа шартномасида белгиланган мuddатда берилиши кечиктирилган 32 миллион сўм иш ҳақлари вилоят касаб

# ОЛИСДАН ҚАТНАБ ИШЛАЁТГАН ХОДИМЛАРГА ИМТИЁЗ

**Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Низомиди кўрсатилганидек, бошланғич ташкилотлар ишлаб чиқариш, меҳнат, ўқув, маданият, жисмоний тарбия ва соғломлаштириш соҳаларида касаб уюшма аъзоларининг қонуний ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади.**

Шахрисабз Қашқадарё вилоятидаги халқ таълими тараққиёт этган, ўқув-тарбияда илгор иш таъриблари кенг қўлланаётган ҳамда ўқитишнинг рейтинг усули дадил жорий этилган туманлардан ҳисобланади. Зотан бу

кўрсатиб турибди. Умумтаълим мактаблари ва касб-хўнар коллежларида кўп йиллик таърибга эга бўлган муаллимлар ишламоқда. Уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, қулай иш ва яшаш шароитлари яратиш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш кўмитаси зиммасидир.

Туманда 106 та мактаб, 63 та болалар боғчаси, 9 та мактабдан ташқари муассасалар, 4 та лицей, 10 та ўрта махсус ўқув юрти фаолият кўрсатяпти. 192 та бошланғич касаб уюшма ташкилотлари атрофида 14256 аъзо бирлашган. Халқ таълими бўлими билан касаб уюшма туман кўмитаси ўртасида тузилган жамоа келишувида томонларнинг мажбуриятлари аниқ белгилаб қўйилган.

Касаб уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга ҳам жиддий эътибор берилляпти. 50 нафардан зиёд ўқитувчи имтиёзли йўланмалар билан сихатгоҳларда доволанди. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимлардан 164 нафари Бухоро, Самарқанд каби тарихий шаҳарларга саёхатга юборилди. Чегара қўшинлари ҳарбий қисмида учрашувлар ўтказилиб, бадиий адабиётлар

ва спорт жиҳозлари тақдим этилди.

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан 41 нафар пенсионерга 155минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. 94 нафар ёш боласи бўлган аёлларга қўшимча меҳнат таътиллари берилди.

Амалга оширилган ишлар таҳлил қилинганда жамоа келишувида кўрсатилган айрим бандлар бажарилмаганлиги ҳам аниқланди. Масалан, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунда кўзда тутилган соғлиққа зарар келтирувчи оғир ва ноқулай шароитларда меҳнат қилаётган ходимларга қўшимча 12 фоиз ҳақ тўлаш, олис жойлардан қатнаб ишлаётган ўқитувчиларга транспортда қатнаш учун маблағ ажратиш, ижтимоий ҳимояга муштоқ оилаларнинг фарзандларига дарсликлар олиб бериш учун хомийларни жалб этиш каби бандлар тўлиқ бажарилган эмас.

Ёш авлод тарбиясига катта эътибор ватанимиз келажакка масъуллиқ демакдир. Қолаверса, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Қарлар тайёрлаш Миллий Дастурида қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун ҳам фаоллигини янада кучайтиришни тақозо этади.

**Саъдулла АБДУЛЛАЕВ, Шахрисабз туман таълим ва фан ходимлари касаб уюшма кўмитаси раиси.**

## Касаб уюшмалари бугун

уюшма кўмитасининг даъво аризаси асосида суд томонидан ундирилди.

— Сизни ҳозирда кўпроқ нималар ўйлантиради?

— Жамоа шартномалари ва келишувларни тузишда айрим тўсиқларга ҳам дуч келмоқдамиз. Ҳозирги пайтда ижтимоий меҳнат муносабатларида ҳусусий тадбиркорлик етакчи ўринга эга бўлиб қолди. Лекин, кўпчилик тадбиркорлар касаб уюшмалар билан яқин алоқада бўлмаётганлиги, касаб уюшмалари эса ҳамма вақт ҳам уларнинг дилига йўл топа олмаётганлиги.

Шундай қилиб, айни кезларда биз ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида фаолият кўрсатмоқдамиз, десак бўлади. Вилоятда меҳнатқашлар манфаатига тааллуқли ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий муаммоларни ҳокимият органлари, иш берувчилар ва уларнинг уюшмалари билан биргаликда ҳал қилиш бундан кейин ҳам бизнинг асосий вазифаларимиздан бўлиб қолаверади.

**Суҳбатдош: У.РАХИМОВ.**

ерда мактаблар ва касб-хўнар коллежларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, ўқув-ислалари тақомиллаштириб боришмоқда.

Давлат таълим стандартларининг қўлланилиши халқ таълими ходимларининг масъулиятини янада ошириб ва ўқув-тарбия самардорлигига эришиш, таълимни жаҳон андозалари даражасига кўтариш вазифасини қўйди.

Ўқувчилардан Гулҳаё Эргашева ва Жамила Холмаҳаматовалар Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлганлиги саёхатга юборилди. Чегара қўшинлари ҳарбий қисмида учрашувлар ўтказилиб, бадиий адабиётлар

Акционерлик-тижорат «Пахта Банк»нинг Бўстон бўлими ходимлари асосан Эллиққалъа тумани қишлоқ хўжалиги корхоналари, савдо, қурилиш ташкилотлари ва бюджет ҳисобидидаги ўнлаб муассасаларга банк хизмати кўрсатиб келмоқда.

Уларнинг миқозлари сони бугунги кунга келиб 441 та етди. Жамоада 22 нафар ходим хизмат қилади. Мана беш йилдирки улар замонавий қулайликларга эга бўлган шинам бинода меҳнат қилмоқда.

Ҳозирги кунда «Элга хизмат — олий ҳиммат» қабилида иш юритаётган банк жамоасидан миқозлар мамнун.

**Суратларда: банк етакчи мутахассислари. Р.ЖУМАНИЁЗОВ (Ўза) олган суратлар.**

## ХИЗМАТ ЯХШИЛАНМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 24 январда қабул қилинган «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури тўғрисида»ги қарори ёши улуг кишиларнинг ижтимоий муҳофаза қилиниши, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга доир аниқ чора-тадбирларни рўйбга чиқаришда муҳим дастуриётган бўлаётди. Қарорда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни доридармонлар билан таъминлаш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш каби хайрли ишлар ҳам кўзда тутилган.

Бу борада «Ўзфармсанот» давлат акционерлик концернида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир. «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурига асосан концерн унинг тарихидаги корхоналарда махсус тадбир ва режалар ишлаб чиқилган. Шу билан бирга ёши улуг кишилар учун зарур бўладиган дори-дармонлар рўйхати ва уларни ишлаб чиқариш ҳажми белгилаб олинган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида республика соғлиқни сақлаш тизими ва аҳоли учун умумий миқдори 267,5 миллион сўм бўлган 1,22 миллион дона қадоқланган дори-дармон тайёрланди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 46 фоиз кўп демакдир.

Кекса ёшдаги кишилар учун маҳаллий хонашароит ва энг асосийши шифобахш ўсимликлардан дори тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам «Ўзфармсанот» концернида ана шундай вазифалардан 405,5 минг дона қадоқланган дори-дармон сироп, настойка, экстракт қўриқини тайёрлади. Шунингдек, юртимиздаги барча дорихоналарда нафақадаги кишилар учун айниқса жуда зарур ҳисобланган йигирма турдаги дори-дармонни кўпроқ ҳажмда ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

**Иззат ХИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

(Ўза).

## МИНГБУЛОК ЧИРОЙИ

Учкудук туманидаги «Мингбулок» ширкат хўжалигида янги иш ўринлари яратишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўтган йили кўпчиликни ривожлантириш, янгида 8 отар яратилиши ҳисобига 24 нафар киши иш билан таъминланди. Ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги ҳам сезиларли даражада ўсди. Хўжалик аъзоларининг ўртача иш ҳақи 15 минг сўмга етди.

Маъмурият ва касаб уюшма кўмитаси белгиланган тадбирга асосан 1060 бор кўйишда тежамкорликка эришган, мол бошини омон сақлаган ҳамда энг кўп маҳсулот топширган чўпонларга мукофот тарикасида берилди. Сайтмурод Турдимуратов, Сағладин Ермаханов сингари оилавий нурадчилар кўзилаштирив маъсуми голиби деб топилдилар.

Учкудук баҳори ҳам бу йил баракали келди. Мингбулок яйловлари кўм-кўк либос билан қопланган. Бу ўз навбатида кўзилаштишда ўтган йиллар бой берилган имкониятларни қайта тиклашга йўл очди. Маъмурият ва касаб уюшма кўмитаси ишлаб чиққан тадбирга асосан бир отардан икки отар яратган чорвадорларни қимматбахо буюм ва пул мукофотлари кутмоқда.

**Я.САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.**



**Меҳнатқашларнинг унумли ишлашлари учун қулай шароит яратиб бериш, уларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, моддий манфаатдорлигини ошириш жамоа шартномасидаги асосий вазифалардан бири ҳисобланади.**

Косон шахридаги 21-ҳиссадорлик жамиятида 305 нафар ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим ишлади.

Беш йил муқаддам автокорхона худудидаги бир гектарлик боғда даволаш маскани очилди. Тажрибали терапевт-врач Зубайдулло Аслонов бош ҳақимлик қилаётган бу профилакторий 10 ўринга мўлжалланган. Ҳар йили 70-80 нафар киши бу ерда ўз соғлиқларини тиклашади. Ультратовуш, электр ва шифобахш минерал суви ванналар, галванизатор, дарсенвал, уқалаш, игна санчиқ даволаш каби 12 турдаги ускуналар ишлаб турибди. Ширинсун ҳамшира Жобиби Ордеинова ҳамшира беморлар хизматида ишлайди. Урмонни эслатувчи яшил баҳаво боғ ва ан

войи гуллар куршовида ярашиб турган бинода нафақахўр Йўлдош Боборажабов, Шойим Норкулов, Фотима Шодмонова, Истат

ходимлари учун доволаниш бепул ташкил этилган. Четдан келганларга эса пулли хизмат кўрсатилади. Бунинг ҳисобидан йил давомида 300 минг сўм маблағ жамғарилди.

— Иш берувчи томонидан жамоа шартномасида кўрсатилган шартлар тўлиқ бажарилаётти, — дейди касаб уюшма кўмитаси раиси Панжи Габбаров. — Ходимларга

## ЁРУФ ЮЗ

Хиссадорлик жамияти раиси Ҳамза Асадовнинг хикоя қилишича, аҳолига 505,8 миллион ўринга 666,2 миллион сўмлик хизмат кўрсатилиб, режа ошириб бажарилди. Олинган соф фойда 47 миллион сўмни ташкил этиди. Сотилган 30204 дона акциянинг ҳар бирига 720 сўмдан дивиденд олинди. Яқунлар жорий йилда умумий даромад 700 миллион сўмдан ошишини кўрсатиб турибди. Биринчи чорада 29 миллион 948 минг йўловчи ташилиб, 191 миллион 107 минг сўм даромад олинди.

## БИЛАН ЯШАСАК ДЕЙМИЗ

Раҳматуллаева, София Зиёдуллаева, Насиба Раупова каби доволанувчилар билан суҳбатлашдик. Улар меҳрибон шифокорлар қўлидан шифо топиб, касалликлардан фориғ бўлганликларини мамнуният билан изҳор этишди.

— Юрак-қон томири, асаб хасталикларини, ошқорин-ичак, ўт пуфаги яллиғланиши, қўл-оёқ, бўғин оғриғи каби касалликларни доволаймиз, — дейди бош ҳақим З.Аслонов. — Муолажалар асосан физиотерапевтик усулда олиб борилади. Хиссадорлик жамияти



Ижтимоий ҳимоя меҳнат унумдорлигини оширяпти. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 33-34 минг сўмга тўғри келади. Чори Шаропов, Эрка Қурбонов, Зубайдулло Шойимов, Аҳадулло Аҳмедов каби хайдовчилар бенуқсон ва самарали ишлаганликлари

сод бўлими бошлиғи Ҳамро Фаizieвнинг изоҳлашича, автомобилларни тиклаш цехи ташкил этилган бўлиб, моҳир уста Анвар Эшонқулов раҳбарлигида барча транспорт воситалари қорхонанинг ўзидо таъмирланади ва катта миқдордаги маблағ иқтисод қилинади.

Машина аккумуляторларини таъмирлаш, камер ямаш ва мотор йиғиш цехларидан ташқари бичиш-тикиш, тегиримон, оҳак пишириш ёрдамчи корхоналари ишлаб турибди. Жамоа эҳтиёжи учун ишлатилган иш кийимлари, қўлқоплар, халатлар, машина чехоллари тайёрланади. Ишчилар бугунги кунга келиб 151 минг сўмлик сўт ва сўт маҳсулотлари олиб берилди. 50 ўринли ошхона хизматидан ҳамма мамнун. Дух ва сауна-ҳаммом ишлаб турибди. Ораста ўйингоҳида футбол, волейбол, миллий кураш, баскетбол, оғир атлетика мусобақалари ўтказиб турилади.

## Эғалик ҳисси

Ижтимоий ҳимоя меҳнат унумдорлигини оширяпти. Ҳар бир ишчининг ўртача ойлик маоши 33-34 минг сўмга тўғри келади. Чори Шаропов, Эрка Қурбонов, Зубайдулло Шойимов, Аҳадулло Аҳмедов каби хайдовчилар бенуқсон ва самарали ишлаганликлари

ушун ҳам жамоада катта ҳурмат-эътибор қозонганлар. Қарияларни қадрлаш йилида 42 нафар нафақахўр ва ёлғиз кексаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатиляпти. Енгин чиқиши тўғрисида уй-жой зарар кўрган пенсионер Ризо Юсупов, кам таъминланган Чиннигул Тўймуродова, Рустам Ҳамроқулов, Қаҳҳор Муҳаммадиеваларга бир йўла 25-30 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилди. Даромад қўпайишининг асосий омилни нимада? Режалаштириш ва иқти-

**Хаёт силсиласи кизик: туғилмок, яшамок, умр гаштидан бахтиёр бўлмок, қадр топмок, яхши ном қолдирмок ва х.к. Умр-гузаронликнинг бундай пиллапояларини марок билан босиб ўтмок ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Давлат соябон бўлган, чинакам ғамхўрлик кўрсатилган юртдагина инсонлар умри узок, тақдири шуурли бўлар экан. Бизнинг Ўзбекистонимиз ҳам ана шундай мамлакатлар сирасига киради. Бундай иноятга биз истиклол шарофати туғайли эришдик десак, аини хақиқат бўлади.**

**Қадрлаган қадр топади**

яларга соғлиқларини ёхуд арзон баҳола-тиклаш учун йўлланма-лар берилди. Қатор кексаларни туманимиз-даги «Роббо», «Хумо», «ООО Гулнора-Анор», «Тропика», «Ноз-неънат» сингари дўконларга бирктиб қўйганмиз. Уларни ҳомийларимиз озиқ-ов-қатлар билан етарли



«Файзобод» қишлоғида врачлик пункти аҳолига хизмат кўрсата бош-лади. У Олтиариқ туман ҳокимлиги кўмағида куриб битказилди. Бу ерда аҳоли саломатлигини назорат қилиш ва тиклаш учун зарур барча даво-



лаш бўлимлари мавжуд. — «Янгиқўрғон», «Олтиариқ», «По-лосон», «Азимобод» қишлоқларида ана шундай тиббий муассасалар иш-лаб турибди, - дейди туман соғлиқ-ва тиклаш бўлими бош шифкори Тўйчибой Саримсоқов. — Йил охи-рига қадар яна тўртта қишлоқ врач-лик пункти фойдаланишга топири-лади.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

**ТУМАН ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ БЎЛИМИ**

«Ижтимоий таъми-нот бўлимлари...». Биз бу сўзларни эшитаве-риб, ўрганиб қолган-миз. Бироқ, мазкур идораларнинг иши билан танишсангиз, улар фаолиятини бир-рав ўргасангиз, бун-дай жойларда меҳнат қилаётган ходимлар касби-корига тан бе-расиз, улар бардоши-га қойил қоласиз.

Мирзо Улугбек ту-ман ижтимоий таъми-нот бўлимига ҳар куни юзлаб одамлар келиб-кейтиб туради. Уларнинг ҳаммасини ширинзабонлик билан кутиб олиш, ҳожати-ни чиқариш, илтимос-ларини бажо келти-риш осон эмас, ал-батта.

1994 йилдан буён ойлик маошлар, пен-сиялар 17 марта оширилди. Туманда 43,5 минг нафардан зиёд пенсионерлар, ногиронлар, қаровчи-сиз қолган нуруний-лар ва бошқа тоифа-даги нафақахўрларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатилаётганини эътиборга олсак, бўлим ходимларининг саъй-ҳаракатларини тасаввур қилиш қийин кечмайди.

Чиндан ҳам фа-олиятимиз кўлами кенг, - дейди туман ижтимоий таъминот бўлими раҳбари Му-ҳайё Аҳмедова. — Президентимизнинг шу йил 25 январдаги «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қат-ламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғриси-да»ги, 26 мартдаги «2002 йилнинг 1 ап-релидан бошлаб иш-хақи, пенсиялар, сти-пендиялар ва ижти-



неча кунда адо этила-диган жараён ҳозир қисқа соатларда ижо-батини топади. Мисол-ларга мурожаат қилай-лик. Республикамиз Ва-зирлар Маҳкамасин-нинг 1999 йил 7 де-кабрдаги 520-сонли «2000-2005 йилларда ёлғиз кекса, пенси-онер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарори бўйича бизда 164 на-фар киши рўйхатга олинган. Аини пайтга-ча уларнинг ярмидан кўпроги диспансериза-ция кўригидан ўтказил-ди. Айрим ёлғиз қари-

даражада таъминлаб турибдилар. Ижтимоий таъминот бўлими қошидаги «Ғамхўрлик» маркази иши ҳам қониқарли. Бу муассаса ҳафтанинг маълум кунлари ёлғиз, қаровчиси йўқ қария-ларни иссиқ таомлар билан таъминлаб кел-моқда.

Булар яхши гаплар. Аммо, яна бир фикр борки, биз кўпинча хиз-мат кўрсатилиши ло-зим бўлган инсонлар

ҳаёти тўлиқ акс этти-рилади. Марҳамат Азимова, Маҳмуд Зи-ёдуллаев, Мирзохид Курбанов, Суръат Мақсудов, Дилбар Ортиқова каби ходим-ларимиз чинакам фи-дойи ходимлар ҳисобланадилар. Галина Меликова, Галина Бурмистрова, Гафхар Нурмухамме-дова сингари ижтимо-ий хизматчиларимиз тўғрисида тўлқинлан-май гапириб бўлмай-

ди. Улар 18 нафардан иборат.

... Ҳа, ижтимоий хизматчиларнинг ва-лом-мим демаймиз. Хусусан, Мирзо Улуг-бек тумани ижтимоий таъминот бўлимида 95 нафар ходим хизмат қилади. Ҳўш, уларнинг ижтимоий ҳимояси қандай?

— Бир сўз билан ай-тганда, ёмон эмас, - дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Сунна-тилла Эшқувватов: — масалан, хизматчили-римизни дам олиш йўлланмалари билан таъминлаймиз. Бепул

**Раҳимберди УМАРОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

**ФЕРМЕРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК**

Ёзёвон туманида «Фермерлар уйи» иш бошлади. Бу ерда туманда фаолият кўрсатаётган 882 та дехқон ва фермер ҳўжалигига кафолатли сервис хизмати кўрсатилади.

«Фермерлар уйи»да банкнинг кичик шохобчаси, нефт маҳсулотлари, минерал ўғит, техника ва сув таъминоти ҳамда ҳуқуқий маслаҳатхона, суғурта хизмати, касаба уюшмалари, хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш бўли-ми фаолияти йўлга қўйилди.

Шунингдек, мутахассислар фермерлар фаолиятини янада яхшилаш борасида уларнинг ҳудудий жойлашу-вини ҳисобга олиб, «Пахтабанк»нинг етти та кичик шох-обчасини ишга туширди.

(ЎзА).

**МУҲАММАД ЗОХИР ШОҲ АФҒОНИСТОНДА**

Шундай қилиб, куни-кеча Афғони-стоннинг собиқ подшохи — Муҳам-мад Зоҳир Шоҳ ўз ватанига қайтиб келди. Аввал хабар берганимиздек, уни кузатиб келиш учун Италия пой-тахтига муваққат ҳукумат раҳбари Ҳамид Карзай ва қатор вазирлар таширф буюрдилар.

Тўққиз соатлик парвоздан сўнг со-биқ подшоҳ тайёраси Қобул яқини-даги тайёрагоҳга кўнди. Унинг ҳавф-сизлигини таъминлаш учун ажратил-ган махсус хизмат кишилари сезғир-лик билан огоҳ бўлиб турдилар. Аэро-портдан Муҳаммад Зоҳир Шоҳ ўз оила аъзолари ва аъёнлари билан биргаликда ажратилган подшоҳ са-роғига етиб келди.

Олдинда мамлакат оқсоқоллар мажлисини ўтказиш вазифаси туриб-ди. Унга Зоҳир Шоҳ раҳбарлик қила-ди. Шундан сўнг олий йиғилиш — Лоя-Жирга чақирилади. Унда мам-лакатнинг янги ҳукумати тузилади. У бир ярим йил давомида Афғонистон-нинг янги Конституцияси қабул қилингунга қадар, давлатни бошқа-ради.

**САЙЁРАМИЗ САДОСИ**

**АҚШ ҲОМИЙЛИГИДА УЧРАШУВ**

АҚШ Давлат қотиби Колин Пауэ-лнинг Яқин Шарққа таширфи ниҳоя-сига етди. У ўз юриши давомида жуда катта натижаларга эриша олмаган бўлса-да, унинг саъй-ҳаракатлари келажак борасида маълум умидлар туғдирди. Исроил қўшинларининг На-блус, Женин ҳамда Рамоллоҳ ша-ҳарларидан олиб чиқиб кетилаётган-лиги юқоридаги гапларнинг маълум даражада исботи бўлиши мумкин. Бир неча кундан сўнг АҚШ ҳомийлигида Исроил ва Фаластин муносабатла-рига доир учрашувнинг ўтказилиши кутилмоқда.

**АНГЛИЯДА ЯНГИ ҚОНУН**

Илгарилари Буюк Британияда ёш-ларни хибсга олиш ва қамаш маса-ласи муаллақ бир ҳолатда давом эта-ётган эди. Оқибатда сўнгги йиллар-

да ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ошиши мамлакат раҳбариятини таш-вишга сола бошлади. Шу боис бўлса керак, яқинда Англияда янги қонун қабул қилинди. Бундан буён ҳар қан-дай ўсмирни 10 ёшдан хибсга олиш, 12 ёшдан қамаш мумкин бўлади. Эн-диликда жамоатчилик жиноятчилик-ка қарши курашда янги қонун ижо-бий самаралар бериши мумкин, деб кутмоқда.

**ЯНА БИН ЛОДЕН**

Биринчи рақамли террорчи, «Ал-Қоида» раҳбари Усама бин Лоден қиёфаси яна кўриш воситаларида пайдо бўлиб қолди. Катарнинг «Ал-Жазира» телекомпанияси Усама бин Лоден билан унинг ўринбосарлари-дан бири тасвирланган кўрсатув тас-масини намойиш қилди. Шу орада Туркия раъзведкиси бин Лоденнинг қаерда эканлиги тўғрисидаги хабар-ни тарқатди. Туркия махсус хизмат маълумотларига қараганда, у ҳозир Кашмирнинг Покистон назоратида

бўлган минтақасида турибди экан. Унинг ҳаётига таҳдид ёки суиқасд хавфи туғилса, у Ҳиндистонга қочиш чораларини кўриб қўйган эмиш.

**ОВРҮПО ЧЕКИШГА ҚАРШИ**

Халқаро Соғлиқни сақлаш Ташки-лотининг маълумотларига қараганда, ҳар йили Оврўпода 1 миллион 200 минг киши чекиш оқибатида дунёдан кўз юмаркан. Шу боис яқинда Польша пойтахти Варшавада Оврўпо мамлакатлари соғлиқни сақлаш ти-зилмалари раҳбарларининг бўлиб ўтган учрашуви кўпчиликнинг эъти-борини тортиди. Мазкур анжуманда чекишга қарши кураш, хусусан, ом-мавий ахборот воситаларида тарғи-бот-ташвиқот тадбирларини олиб бо-риш, ёшлар онгига ушбу иллатнинг нақадар зарарли эканлигини синг-дириш, сигарета корхоналарига со-лиқидан солиқни ошириш, тамаки рекламасини ман этиш, оммавий жойларда чекишни бекор қилиш каби йўл-йўриқлар ишлаб чиқилди.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

**Ҳукм ўқилди**

**ШУМ НИЯТ**

Алмаз Тилепалдиев 2001 йилнинг ноябр ойида қасдан одам ўғирлаш мақсадида қозғостонлик Фа-рида ва Бахт исмили шахслар билан ўзаро жинойий тил бириктириб, «Нексия» русумли автомашинада Жиззах шаҳрига келди.

Халқабод маҳалласида яшовчи Отабек Кўзибоев-нини алдаш йўли билан уйдан чақириб олиб автома-шинага ўтказиб, Қозғистон Республикаси ҳудудига олиб қочиб ўтди. Буёғи кинолардагидек осон ва равон кўча бошлади. Алмаз вужудини пул хуружи ўртарди. Товламачилик йўли билан кўп миқдордаги мулкни қўлга киритиб, бойлик орттириш мақсадида Отабекнинг отаси Б.Кўзибоевга кўнғироқ қилиб, 1500 АҚШ долларни беришини, акс ҳолда ўғлининг жаса-дини ҳам топа олмаслигини айтиб кўрқитди.

Ота ўғлининг ёмонлар қўлига тушиб қолганини ан-галагач, кутқариш учун ички ишлар бўлимига хабар берди. Зудлик билан тезкор тадбир ишлаб чиқила-ди. Укаси Равшан ҳамда икки нафар милиция ходи-ми энгил автомашинада Қозғистон томон йўл ола-дилар. Келишилган пайтда келишилган ерга келган «Жигули» автомашинасидаги жиноятчиларнинг ше-риги Нурталаб исмили йигит «Отабекнинг отаси ким?» дея, уларга юзланди. Ота ўзини таништиригач, пулни сўрайди ва уларга Отабекни кўрсатади. Шунда Б.Кўзибоев ўғлини боғжонадан ўтказиб, Ўзбекистон ҳудудига киритганлардан сўнг пулни беражаклиги-ни айтади. Келишувга пайтда воситачи Нурталаб 1400 АҚШ долларини Ўзбекистон ҳудудига олади ҳамда «Нексия»да воқеани кузатиб турган Алмазга пулни топиради. Шу пайт милиция ходимлари жи-ноятчиларни воқеа устида қўлга олишади.

Мазкур жинойий ишни кўриб чиққан суд ҳукмига кўра Қозғистон Республикаси Жамбул вилояти Бой-зот туманилик Алмаз Тилепалдиевга 6 йил, Қозғи-стон фуқароси Нурталаб Жамангаевга 5 йил қамоқ жазоси тайинланди. Оразали Тулепов эса 343.000 сўмлик жаримага тортилди. Иш бўйича жиноят қуро-ли деб топилган «Нексия» ҳамда «ВАЗ-21063» ру-сумли автомашиналар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Неъмат БОБОЖОНОВ, Жиззах шаҳар жиноят ишлари бўйича суди раиси.

# МУМТОЗ НАВОЛАР

**Юртимиз истиклолга эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби мусиқа маданияти ва санъатида ҳам чин маънода ҳайъбахш ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мумтоз мусиқа намуналарини авайлаб-асраш ва янада раванк топтиришга қаратилган кўплаб ибратли тадбирлар амалга оширилган бунинг тасдиғидир.**

Айнан ана шундай саз-ҳаракатлар натижа-си ўлароқ, ўзбек мумтоз мусиқасининг жаҳон узра тарғиботида кенг йўл очилди. Хусусан, Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева шу йилнинг март ойида Германиянинг Берлин шаҳридаги «Дунё маданиятлари уйи»да Марказий Осиё санъати бағишланган халқаро фестивалда катта муваффақият билан қатнашгани бунинг яна бир ёрқин далилидир.

Гарчи ўзбек хонандасининг мусиқий дастури бир ярим соатга мўлжалланган бўлса-да, муҳлис-лар санъаткоримизни сахнадан кетказишни истамагани боис концерт узоқ давом этди. Миллий мақом мусиқаси чет эллик санъат шайдоларини буткул ўзига ром этгани рост эди.

Германияга ижодий сафаримиз жуда самарали бўлди, - дейди М.Йўлчиева. - Шу йилнинг 7 март кuni Ватанимизнинг ўша мамлакатдаги элчихонасида Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги дўстлик, маданий алоқаларнинг йўлга қўйилганига ўн йил тўлиши муносабати билан катта байрам тадбири бўлиб ўтди. Томошбинлар орасида санъатшунослар, мусикашунослар билан бирга турли касб эгалари бор эди.

Концерт жуда яхши ўтди. Эртаси кuni эса Марказий Осиё халқла-

қайси қиъаси бўлишидан қатъий назар тингловчи аввало мусиқа, унинг оҳанги, қочиримлари, ҳар бир сўзнинг талаффузига катта эътибор бериб тинглайди.

Дарҳақиқат, Муножот Йўлчиеванинг бетақрор ижроси АҚШ, Буюк Британия, Бельгия, Германия, Испания, Италия, Норвегия, Швейцария, Финляндия, Россия, Мароккаш, Бразилия каби давлатларда катта қизиқиш ва мамнуният билан қутиб олинган. Бу эса ўзбек миллий мусиқасининг хорижда юксак кадр топганидан далолатдир.

Асрлар оша халқимиз-

## Фахр

Европанинг барча давлатларига ёйилди.

Шу кунларда халқимизнинг семимли хонандаси янги концерт дастурини тайёрламоқда.

Шўролар даврида миллий мусиқага жиддий эътибор берилмагани, мақом санъатида бепсандлик билан қаралгани, мусиқий таълим-тарбия соҳасида олиб борилган мафкуравий бир ёқлама ёндошувлар айрим ёшларни миллий куй-оҳанглardan бирмунча бегоналаштирди, - дейди М.Йўлчиева.

Оқибатда миллий қадриятларимиз учун ёт



нинг жон озиғига айланиб қолган бу бебаҳо маънавий меросимизда жаҳондаги эътибор ва қизиқишнинг тобора ортиб бораётганидан дарак берувчи яна бир жиҳат бор. Хусусан, 1995 йилда Францияда, 1997 йилда Германиядаги овоз ёзиш студиялари Муножот Йўлчиева ашуллари эса нафақат юртимизда, балки бутун жаҳонда тобора эъзоз топаяётгани кувончлидир. Мусиқа эса инсонни фақат эзгуликка ундайди.

Назокат УСМОНОВА, УзА муҳбири

## 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

# НУРОНИЙЛАР «ЧИМЁН» СИҲАТГОҲИДА

**Фаргона вилояти Касаба уюшмалари кенгаши вилоят ҳокимлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси вилоят бўлими билан ҳамкорликда Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастури доирасида жорий йилга мўлжалланган тадбирлар режасини ишлаб чиқди.**

Яқинда ана шу режадан ўрин олган тадбирлардан бири амалга оширилди. Кексалик гашини сураётган 150 нафар фарғоналик отахон ва онахонлар «Чимён» сиҳатгоҳига дам олиш учун жўнатилди. Деярли 12 мил-

лион сўмлик маблағ сарфланган ушбу тадбир туфайли қишлоқ хўжалиги, давлат муассасалари, соғлиқни сақлаш, маориф, қурилиш, ёқилғи-энергетика, енгил сонаот соҳаларида кўп йиллар самарали меҳнат қилган

нуронийлар 18 кун давомида марокли ҳордиқ чиқариш билан бирга малакали тиббиёт ходимларидан зарур тиббий муолажаларни оладилар.

«Чимён»га имтиёзли йўлланма билан жўнатилган отахон ва онахонларимизнинг дам олиш лаҳзалари марокли кечиси шубҳасиз, - дейди Касаба уюшмалари вилоят кенгаши ижтимоий суғурта бўлимининг мудири Маъму-

рахон Ёрбекова. - Чунки, сиҳатгоҳда фахрийларимиз учун концертлар уюштирилади, кинофилмлар намойиш этилади. Баҳаво жойларга саёҳатлар уюштирилади.

Қарияларни қадрлаш йилида 700 нафардан зиёд нуронийлар ана шундай имтиёзли йўлланмалар билан сиҳатгоҳларда дам олдирилади.

**Мўйдинжон СОБИТОВ.**

# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

бўлган услублар ҳам пайдо бўлгани сир эмас. Эндиликда миллий мусиқа меросимиз махсус фанлар қаторида маданият ва санъат таълими тизимига жорий этилаётгани, мумтоз ўзбек ашуллари эса нафақат юртимизда, балки бутун жаҳонда тобора эъзоз топаяётгани кувончлидир. Мусиқа эса инсонни фақат эзгуликка ундайди.

**Ҳикмат**  
Эй фарзанд,  
хиёнатдан қоч-  
гилки, кимки бир  
марта хиёнат  
қилса, унга ҳеч  
кимнинг эътимо-  
ди қолмайди.  
Тўғрилики  
ўзингга касб  
қилиб олгилки,  
тўғрилик энг  
яхши ишдир.

**АНТИҚА КЎРГАЗМА**  
Пойтахтдаги Замонавий санъат марказида «Фотокорпорациянинг республика кўргазмаси» очилди.

Мазкур кўргазма мамлакатимиздаги истеъдодли сураткашларни саралаш ва уларни рағбатлантириш учун ташкил этилди, - деди Маданият ишлар вазирлиги халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият маркази раҳбари Ўткир Тоҳиров «Туркистон-пресс» муҳбирига.

Фотокўргазмага Қорақалпоғистон республикаси ва барча вилоятлардаги фотокорпорациянинг 100дан ортиқ асарлари қўйилган. Кўргазмада намойиш этилган асарият суратларда миллий урф-одатларимиз акс эттирилган.

**Илоҳом**  
Мен «Ишонч» газетасининг доимий муҳлисиман. Унда Бухоро шаҳри Осиё ва Тинч океани минтақаси бўйича «Шаҳарлар тинчлик учун ЮНЕСКО муқофоти»га сазовор бўлганлиги хақидаги хабарни эшитиб, гоят қувондим. Бухоро фарзанди сифатида қалбимдаги фахр-ифтихор тўйгуларини ўз шерьим орқали ифода этишга жазм қилдим.

Эҳтиром ила Зикрилла НЕЪМАТ

## БУХОРО

**қўшиқ**

Бухором, бебаҳо, ажиб маъвосан,  
Уммонга қўйилган азим дарёсан,  
Бағримга улғайиб, йўқдир армоним,  
Мен учун дунёлар ичра дунёсан,  
Қалбимдан жой олган меҳригимсан.

О, менинг қадимий, сирли Бухором,  
Эртақлар ўлкаси, нурли Бухором!

Дунё оқиб келар ҳар кун пойнингга,  
Табаррук тупроғинг, саждаҳонингга,  
Боқиб ҳеч тўймаман гул чиройингга,  
Шунчалар гўзалсан, шунча зебосан,  
Дилларни ром этган оҳанрабосан!

О, менинг қадимий, сирли Бухором,  
Сийнаси жаваҳир, дурли Бухором!

Оламни лол этди улуг ишларинг,  
Тинчлигга бахт учун интилишларинг,  
Бошингга қўнмишдир Хумо кушларинг,  
Не-не буюк зарлар ўтган маъвосан,  
Мозийдан талланган нури-зийсан!

О, менинг қадимий, сирли Бухором,  
Эртаси мунаввар, нурли Бухором!

Туташдир илдизим чинорларингга,  
Нақшинкор гўмбазу минорларингга,  
«Дил ба ёр, даст ба қор!» шоирларингга,  
Соғинсан, дардимга ўзинг давосанг,  
Бир умр қалбимдан ўчмас навосан!

О, менинг қадимий, сирли Бухором,  
Муқофот муборак, нурли Бухором!

## Шоҳмат оламида

**ДОНОЛИККА ҲАМ**  
**ЎРГАТАДИ**

Машҳур италян математиги, файласуфи ва шифокори Жероламо Кардано (1501-1576) 24 ёшида шоҳмат хусусида олиб борган тадқиқотлари натижасида махсус асар ёзди. Аммо у бизгача етиб келмаган. Кардано билдирган мулоҳазалардан биттасига сақланиб қолган: «Шоҳмат инсонга ўз қизиққонлигини сақлаш, истакларини имкониятлари билан қиёслашда кўмаклашади. Бир сўз билан айтганда, шоҳмат доноликка ўргатади.»

Аргентиналик машҳур ёзувчи Хорхе Луис Борхес эса шоҳматни бир-бирига ўхшамаган миллионлаб китоб яшириниб ётган, имконияти чексиз, битмас туганмас жумбоқли кутубхонага ўхшатган.

**БИРИНЧИ ГРОССМЕЙСТЕР КИМ?**

Ҳозир кенг истеъмолда бўлган гротсмейстер сўзи илк мартаба 1838 йил 18 февралда иш-

1 Диаграмма.

2 Диаграмма.

Оқлар учун шундай юриш борки, қоралар дарҳол таслим бўлади.

Оқлар бошлаб, тўрт юришда мот қилади.

## Бу — қизик

**Калуга шаҳрида антиқа музей — гугуртлар музейи барпо этилди. Шу гаройиб музейга кириб қолгандак бўлсангиз, гугуртларнинг ранг-баранглигини кўриб, хайратланасиз.**

### ГУГУРТ МУЗЕЙИ

Улкан печларга олов ёқадиган катта гугурт дейсизми, бор-йўғи икки сантиметр узунликдаги ихчам гугурт дейсизми, ёқилганда сигнал берадиган, хилма-хил рангда товланадиган, ёмғирда ва қор бўронда ҳам ўчмайдиган гугурт дейсизми — ҳамма-ҳаммаси музей экспонатлари орасидан ўрин олган.

Гугуртлар дастлаб Россияга XIV асрнинг ўттинчи йилларида келтирилган эди. Кўп ўтмасдан гугуртлар Россиянинг ўзидаги фабрикаларда ҳам ишлаб чиқарила бошланди. Бундай қорхоналар асосан Калуга губерниясида жойлашган эди. Ҳар қалай, ўша пайтда гугуртлар сифатли тайёрланар эди.

Рус олими З.Толлиннинг Кутбда олиб борган экспедицияси озиқ-овқат омборидан топилган ва ранги унқиқиб кетган қутидида гугурт ўша даврда ишланган гугуртларнинг сифатидан шаҳодат бера олади.

Зеро, саксон йилдан кўпроқ вақт давомида абадий музликда ётган гугуртни чақиб кўрсангиз, текис аланга билан ёниб туради.

## Биласизми?

Машҳур олим Пифагор Қадимги Грецияда биринчи бўлиб совуқ сув билан даволаш усулини расм қилган эди.

Тиббиёт отаси Гиппократ танага қули таъсир этувчи терапия воситалари сифатида ҳаво, сув ва қуёш ванналари, устидан сув қуйиш ва ҳўл сочқ билан баданни артиш каби тадбирларни тавсия қилган. Унинг шогирди шифокор Асклепиад соғломлаштиришнинг асосий воситалари чинқишир деб ҳисобларди. Шу туфайли римликлар даволаниш ва тозалик мақсадларида совуқ сувдан мириқиб фойдаланишадиган бўлишди.

Куллидан овоз қилинган, кейинчалик эса Рим императори Август саройида шифокор бўлиб хизмат қилган


## СОВУҚ СУВ — МАЛҲАМ

Антоний Муза бадани нозиклашиб қолган император Цезарнинг саломатлигини совуқ сув билан мустаҳкамлагани учун махсус муқофот ҳам олган. Шунингдек, у Рим шоири Гораццийни совуқ сув ёрдамида касалиқдан фориғ этган.

Саркарда Суворов сувда чинқишга юксак баҳо берганди. Унинг ўзи ҳар кун устидан икки челақ сув қўйишни қанда қилмаган, қаттиқ совуқ кунлари эса пўстин у ёқда турсин, ҳатто иссиқ тўр қуйлак ва қўлқоп ҳам қиймаган.

Шоир Пушкин уйқудан турибоқ муздек сув қўйилган ваннага тушарди, ёзда эса тоғдан оқиб келувчи дарёда чўмилишни бир кун ҳам қанда қилмаган.

**Ақбар АЛИЕВ.**



Тошкент электротехника алоқа институти томонидан 18 декабр 1964 йилда Юсупов Анвар Агзамович номига берилган 690706 рақамли (741 рақам билан рўйхатдан ўтган) диплом йўқолганлиги учун **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар енгил, меҳнат ва коммунал маъиши хизмат ходимлари касаба уюшма кўмитаси «Тошшаҳаргаз таъминоти» шўъба қорхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси Хамитжон Дадаевага падарни бузруқвори

**АХМАД ОТАНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**ISHONCH**

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

**Тахрир хайъати:**  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Котибиат 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топшириш вақти 21.30

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва сақланган. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.